

Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2025 йил ноябрь ойининг 19 куни, жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман суди, раислик қилувчи шу туман судининг раиси У.Каримов, судья ёрдамчиси И.Собировнинг котиблигида, давлат айбловчиси Марҳамат туман прокурори ёрдамчиси Д.Ахмадалиев, ҳимоячи Э.Райимжоновларнинг иштирокида,

Соипова Гулнорахон Абдурахмоновна (Soipova Gulnoraxon Abduraxmonovna), 1988 йил 21 майда Хўжаобод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оиласи билан ажрашган, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Андижон тумани, Дўнг қишлоқ МФЙ, Дўнг кўчаси, Е5-уй, 47-хонадонда яшайди, иши бўйича жамоа кафиллиги тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 229²-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланганга оид 1-1702-2501/234-сонли жиноят ишини очиқ сайёр суд мажлисида Марҳамат тумани, Бозорбоши МФЙ биносида кўриб чиқди.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи Соипова Гулнорахон Абдурахмоновна, 2025 йил 12 август куни яшаш хонадони Андижон тумани, Дўнг қишлоқ МФЙ, Дўнг кўчаси, Е5-уй, 47-хонадонда махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз 8 нафар вояга етмаган болаларга диний таълимотдан сабоқ берган.

Судланувчи Г.Соипова юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 229²-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Судланувчи Г.Соипова судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, диний билимларни бувасидан ўрганганини, 2025 йил 12 август куни қариндош бўлган жиянларига “Муаллими Соний” ва “Қуръони Карим” китобларидан дарс бераётганида келган ИИБ ходимлари ҳолатни аниқлашиб, тегишли ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширишганини, диний марказ органининг тегишли рухсатисиз “Қуръони Карим” сураларидан дарс бериш мумкин эмаслигини тушунмаганини кўрсатиб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Г.Соипованинг айби, унинг айбига иқрорлик билдириб бераган кўрсатувидан ташқари, билдирги, ходиса жойини кўздан кечириш



баённомаси ва фотоиловалар, диншунослик экспертизаси хулосаси, тушунтириш хатлари ва бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланган.

Судланувчи Г.Соипованинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 229²-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кўрсатилган.

Суд, судланувчи Г.Соиповага нисбатан жазо тайинлашда, айбига иқроп қилмишидан пушаймонлигини, аёллигини, муқаддам судланмаганини, 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи, оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб топиб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, уни зиммасига қўшимча чекловларни юклашни лозим топади.

Суд, ашёвий далил тариқасида олинган 3 дона “Муаллими Соний” ва 2 дона “Қуръони Карим” китобларини Г.Соиповага тилхат орқали қайтарилганини инобатга олишни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473 моддаларига асосан

ҳ у к м қ и л а д и :

Судланувчи Соипова Гулнорахон Абдурахмоновна (Soipova Gulnoraхон Abdurахmonovna) Ўзбекистон Республикаси ЖК 229²-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Г.Соиповага Ўзбекистон Республикаси ЖК 229²-моддасининг 2-қисми билан ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда Андижон тумани, Дўнг қишлоқ МФЙ, Дўнг кўчаси, Е5-уй, 47-хонадонидан чиқишни чеклашдан иборат 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Г.Соиповага озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида шифохонада тиббий ёрдам олиш вақти истисно этилган ҳолда Андижон туман ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартириш тақиқлансин.

Г.Соиповага даволаниш ёки бошқа зарурат туфайли яшаш ёки иш жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақда Андижон туман ИИБга дарҳол маълум қилиш мажбурияти юклатилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш Андижон туман ИИБга юклатилсин.

Г.Соиповага тайинланган озодликни чеклаш жазосининг муддати жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Г.Соиповага озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган



мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосини ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилсин.

Г.Соиповага қўлланилган эҳтиёт чораси суд ҳукми қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган 3 дона “Муаллими Соний” ва 2 дона “Қуръони Карим” китоби Г.Соиповага тилхат орқали қайтарилгани инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Андижон вилояти судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг шу суднинг кассацияси инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

имзо

У.Каримов

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри,
раислик қилувчи**

У.Каримов

